

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБ УТВЕРЖДЕНИИ ПОЛОЖЕНИЯ О ПОРЯДКЕ ОПРЕДЕЛЕНИЯ
ПЛОДОРОДНОСТИ И ВАЛОВОГО СБОРА ЗЕРНОВЫХ КОЛОСОВЫХ
КУЛЬТУР, ВЫРАЩЕННЫЕ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМИ
ПРЕДПРИЯТИЯМИ

г. Ташкент,

26 апреля 2019 г.,

№ 357

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТИШТИРИЛГАН
БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ЯЛПИ ҲОСИЛИНИ
АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Бошоқли дон экинларидан юқори ҳосил етиштириш бўйича фермер хўжаликлари масъулиятини янада ошириш ҳамда уларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиrsин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 апрель,
357-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 357-сон карорига
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон экинлари
ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш тартиби тўғрисидаги**

**НИЗОМ
1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан сугориладиган майдонларда етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорлигига қараб давлат хариди учун етказиб берилган дон миқдорига ушбу Низом асосида устама ёки чегирма қўлланади.

3. Ушбу Низомда кўйидаги тушунчалар қўлланилади:

қишлоқ хўжалиги корхоналари — «Ўзданмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимидағи дон корхоналари билан тузилган контрактация шартномаларга асосан давлат хариди учун бошоқли дон етиштирувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари;

бошоқли дон — қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган буғдой ва арпа дони;

ҳосилдорлик — бошоқли дон етиштирилган майдонларнинг бир гектаридан олинган ҳосил миқдори;

ялпи ҳосил — қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан бошоқли дон экинлари майдонларида етиштирилган умумий ҳосил миқдори.

4. Олдиндан билиш, оқилона чоралар билан олдини олиш мумкин бўлмаган фавқулодда хусусиятга эга ҳодисалар (қурғоқчилик, табиий ҳодисалари ва бошқа форс-мажор ҳолатлари) оқибатида бошоқли дон экинларидан кутилган ҳосил олинмаган тақдирда ҳамда ушбу ҳолатлар қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича худудий комиссия томонидан тасдиқланганда қишлоқ хўжалиги корхоналарига етиштирилган бошоқли дон ҳосилдорлигини ҳисобга олган ҳолда давлат хариди учун етказиб берилган дон харид нархига чегирма қўлланилмайди.

2-боб. Бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилни аниқлаш

5. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш мазкур Низомнинг [1-иловасига](#) мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

6. Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқловчи туман ишчи гуруҳи таркиби (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳ деб аталади) мазкур Низомнинг [2-иловасига](#) мувофиқ таркибда тузилади.

7. Ғалла ўрим-йифимини тизимли ташкил этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон ялпи ҳосили ва ҳосилдорлигини аниқлаш мақсадида мазкур Низомнинг [3-иловасига](#) мувофиқ ўрим-йифим отрядлари ташкил этилади ва туман ҳокимининг қарори билан тасдиқланади.

8. Туман ҳокими томонидан тумандаги ҳар бир ҳудудда экилган бошоқли дон экинлари навларининг пишиб етилиши муддатларидан келиб чиқиб қишлоқ хўжалиги корхоналари ва отрядлар кесимида ўрим-йифим ишларини ташкил этиш графиги тасдиқланади.

9. Ғалла ўрим йифим отрядига бириктирилган бир русумдаги ғалла ўриш комбайни ёрдамида ўриб олинган дон (комбайн бункери тўлдирилган ҳолда) алоҳида дон ташиш техникасига тўкиб тўлдирилади ва дон қабул қилиш шахобчасига юборилади, топширилган дон миқдори дон ташиш техникасини тўлдириш учун тўкилган бункер сонига бўлинади ва ўртacha бир бункер дон оғирлиги аниқланади.

Ўртacha бир бункер дон оғирлиги ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонасида алоҳида аниқланади.

Дон оғирлигини ўлчаш ускунаси билан жиҳозланган дон ўриш комбайннида ўрилган майдонларда комбайн ўлчаш ускунасида кўрсатилган дон миқдори асос қилиб олинади.

10. Қишлоқ хўжалиги корхонаси контрактация шартнома мажбуриятини бажаргандан сўнг, ўртача бункер оғирлиги аниқланган русумдаги комбайн ёрдамида қишлоқ хўжалиги корхонаси ихтиёрида қолган майдон ўриб олинади ва ўриб олинган дон миқдори юқорида аниқланган бункер оғирлиги бўйича ялпи ҳосил миқдори ва ўртача ҳосилдорлик белгиланади.

Дон оғирлигини ўлчаш ускунаси билан жиҳозланган дон ўриш комбайннида ўрилган майдонда ялпи ҳосил миқдори ва ўртача ҳосилдорлик ўлчов ускунаси кўрсаткичи асосида аниқланади.

11. Ялпи ҳосил миқдори ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан ғалла экилган майдон тўлиқ ўриб-йигиб олингандан кейин аниқланади. Бунда, қишлоқ хўжалиги корхонасининг давлатга ғалла топшириш режаси ғалла экилган майдон тўлиқ ўриб олинмасдан олдин бажарилган тақдирда, қишлоқ хўжалиги корхонаси бўйича ялпи ҳосилдорликни аниқлаш мақсадида, қолган майдон тўлиқ ўриб-йигиб олинмагунча ўрим-йифим комбайнларининг фермер даласидан чиқиб кетишига йўл қўйилмайди.

12. Ғалла ўрим-йифим отряди томонидан ўрим-йифим якунланган қишлоқ хўжалиги корхонаси даласида дон йигиб олинган майдон, етиштирилган ялпи ҳосил ва ўртача ҳосилдорлик бўйича мазкур Низомнинг [4-иловасига](#) мувофиқ далолатнома расмийлаштирилади ва туман ишчи гурухига тақдим қилинади.

Далолатнома 3 нусхада тузилади, бир нусхаси туман ишчи гурухига тақдим этилади, иккинчи нусхаси ўрим-йифим отряди раҳбарида ва учинчи нусхаси қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбарида сақланади.

13. Қишлоқ хўжалиги корхонасига бириктирилган майдондан ўриб-йигиб олинган бошоқли дон ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги бўйича далолатноманинг ҳаққонийлигига ўрим-йифим отряди раҳбари ва аъзолари жавоб беради.

14. Туман ишчи гурухи ўрим-йифим якунланган ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси бўйича ғалла ўрим-йифим отрядлари томонидан тақдим этилган далолатномаларнинг ҳаққонийлигини ва тўғри расмийлаштирилганлитини ўрганиб чиқади.

15. Ўрим-йифим якунланган қишлоқ хўжалиги корхоналари реестри мазкур Низомнинг [5-иловасига](#) мувофиқ юритилади.

Реестр 4 нусхада тузилади ва туман қишлоқ хўжалиги бўлимига, дон корхонасига, туман статистика бўлимига, туман солиқ инспекциясига бир нусхадан тақдим этилади.

16. Тақдим этилган реестр асосида ҳудудий дон корхоналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сон [карорига](#) мувофиқ ҳар гектаридан 41 центнер ва ундан юқори ҳосил етиштирган қишлоқ хўжалиги корхоналарига устама қўллаган ҳолда ҳамда 40 центнер ва ундан кам ҳосил етиштирган қишлоқ хўжалиги корхоналарига чегирма қўллаган ҳолда якуний хисоб-китоб қилиш учун зарур маблағлар ажратиш тўғрисида «Ўздонмаҳсолот» акциядорлик компаниясига талабнома юборади.

17. «Ўздонмаҳсолот» акциядорлик компанияси дон корхоналари талабномаси асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари билан якуний хисоб-китоб қилиш учун зарур маблағларни ажратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма деб аталади) буюртма беради.

3-боб. Бошоқли дон учун хисоб-китоб қилиш тартиби

18. Жамғарма «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан тақдим этилган буюртмаларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқади ва қишлоқ хўжалиги корхоналари билан давлат хариди учун етказиб берилган бошоқли донга якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига зарур маблағларни ажратади.

19. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бошоқли дон экин майдонларида ўрим-ийғим ишлари маълум муддат давом этишини инобатга олиб, давлат хариди учун топширилган бошоқли дон учун дастлабки босқичда топширилган дон қийматининг 85 фоизи микдорида ҳисоб-китоб қилинади;

туман қишлоқ хўжалиги бўлимининг туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаси ва «Агробанк» АТБ туман бўлими билан биргалиқда ўрим-ийғим бошланишидан олдин 41 центнер ва ундан юқори ҳосил тўпланган деб хулоса берилган қишлоқ хўжалиги корхоналарига дастлабки босқичда топширилган дон қийматининг 100 фоизи микдорида ҳисоб-китоб қилинади;

кейинги босқичда, ўрим-ийғим якунлангандан кейин туман ишчи гуруҳи томонидан шакллантирилган ва тасдиқланган ўрим-ийғим якунланган қишлоқ хўжалиги корхоналари реестрга мувофиқ, бошоқли дон ҳосилдорлиги ҳар гектаридан 41 центнер ва ундан юқори бўлганда устама, 40 центнердан кам бўлганда чегирма қўллаган ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан якуний ҳисоб-китоб қилинади.

20. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси ҳудудий дон корхоналари орқали Жамғармадан ажратилган маблағлар ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналари билан давлат хариди учун етказиб берилган бошоқли донга якуний ҳисоб-китобларни амалга оширади.

4-боб. Якуний қоидалар

21. Фавқулодда ҳолатлар оқибатида бошоқли дон экин майдони заарланган қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан топширилган бошоқли донга белгиланган харид нархларида тўлов амалга оширилади ва бу қишлоқ хўжалиги корхонасига нисбатан чегирмалар қўлланилмайди.

22. Ушбу Низом талабларини бузганликда айборд бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Давлат хариди учун қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон
экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш тартиби тўғрисидаги [низомга](#)
1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш

СХЕМАСИ

Босқычтар	Амалга оширилдиган ташкилий тадбирлар	Мудда
I-босқыч	Мазкур Низомга 2-иловага мувофик кишлоқ хұжалиги корхоналари томонидан етиштирилгандын башоклы дон экинлари ҳосилдерлігі ва ялпи ҳосилини аникловчи туман ишчи гурухини тузиш ва тасдиқлаш.	Хар йи 15 май
II-босқыч	Мазкур Низомга 3-иловага мувофик ғалла ўрим-йигим отрядларини шакллантириш ва таркибини тасдиқлаш.	Хар йи 15 май
III-босқыч	Тумандаги ҳар бир худудда әкілған башоклы дон экинлари навларининг пишиб стилиши муддатларидан келиб чиқиб кишлоқ хұжалиги корхоналари кесимінде ўрим-йигим ишларини ташкил этиш графигини тасдиқлаш.	Хар йи 20 май
IV-босқыч	<p>Тасдиқланған график асосида башоклы дон экинлари ҳосилини ўриб-йигиб олишни ташкил этиш.</p> <p>Бунда, ўрим-йигим отрядына бириктирилған бир русумдаги ғалла ўриш комбайні әрдамида ўриб олинған донни (комбайн бункерини тұлдирған қолда) алохіда дон ташиш техникасига түкіб тұлдырыш ва дон қабул қилиш шохобчасига юбориш, топширилған дон микдорини дон ташиш техникасига тұлдырыш учун түкілған бункер сонига бўлиб ўртача бир бункердаги дон оғирлігі аниклаш.</p>	Мавсұ давоми
V-босқыч	<p>Кишлоқ хұжалиги корхонаси контрактация шартнома мажбуриятини бажарғандан сўнг, ўртача бункер оғирлігі аникланған русумдаги комбайн әрдамида кишлоқ хұжалиги корхонаси ихтиёрида колған майдонни ўриб олиш;</p> <p>аникланған бункер оғирлігі бўйича кишлоқ хұжалиги корхонаси ихтиёрига ўриб берилған дон микдорини давлат эҳтиёжи учун топширилған дон микдори билан қўшған қолда етиштирилған ялпи ҳосил микдори ва ўртача ҳосилдерлікни аниклаш.</p>	Ўрим-ий якунланас куни
VI-босқыч	Ўрим-ийигим якунланған кишлоқ хұжалиги корхонасида дон ҳосили ўриб-йигиб олинған майдон, етиштирилған ялпи ҳосил ва ўртача ҳосилдерлік бўйича мазкур Низомга 4-иловага мувофик далолатнома расмийлаштириш ва туман ишчи гурухига тақдим этиш.	Ўрим-ий якунлан куни

VII-боскич	<p>Үрим-йигим якунланган кишлек хўжалиги корхонаси бўйича үрим-йигим отряди томонидан тақдим этилган далолатномани ҳаққонийлиги ва тўгри расмийлаштирилганлигини ўрганиши ва мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ үрим-йигим якунланган кишлек хўжалиги корхоналари реестрини шакллантириш;</p> <p>реестр нусхаларини туман кишлек хўжалиги бўлимига, дон корхонасига, туман статистика бўлимига, туман солик инспекциясига бир нусхадан тақдим этиш.</p>	Үрим-йигим якунланган кейин бир муддат
VIII-боскич	<p>Тақдим этилган реестр асосида бошоқли дон ҳосилдорлиги ҳар тектаридан 41 центнер ва ундан юкори бўлганда устама, 40 центнердан кам бўлганда чегирма кўллаган холда кишлек хўжалиги корхоналари билан якуний хисоб-китоб қилиш тўғрисида «Ўзданмаҳсулот» акциядорлик компаниясига талабнома юбориши.</p>	Реестр тақдим этилган кейин бир муддат
IX-боскич	<p>Дон корхоналари талабномаси асосида кишлек хўжалиги корхоналари билан якуний хисоб-китоб қилиш учун зарур маблагларни ажратиш тўғрисида Жамгармага буортма берини.</p>	Талабнома келиб тушган, кейин иккита муддат
X-боскич	<p>«Ўзданмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан тақдим этилган буортмаларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш;</p> <p>кишлек хўжалиги корхоналари билан давлат хариди учун етказиб берилган бошоқли дон учун якуний хисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида «Ўзданмаҳсулот» акциядорлик компаниясига зарур маблагларни ажратиш.</p>	Буортма келиб тушган, кейин учун иккита муддат
XI-боскич	<p>Жамгармадан ажратилган маблаглар хисобига кишлек хўжалиги корхоналари билан давлат хариди учун етказиб берилган бошоқли дон учун якуний хисоб-китобларни амалга ошириш.</p>	Маблагларни ажратилган кейин иккита муддат

Кишлек хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш тартиби тўғрисидаги [низомга](#)

2-ИЛОВА

Кишлек хўжалиги корхоналари томонидан етиштирилган бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқловчи туман ишчи гурухи

ТАРКИБИ

Иш жойи ва лавозими

т/р Ф.И.Ш.

1. Лавозими — Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, туман ишчи гурухи раҳбари
2. Лавозими — Туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, туман ишчи гурухи раҳбарининг ўринбосари
3. Лавозими — Туман фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси
4. Лавозими — Ҳудудий дон корхонаси туман дон қабул қилиш шахобчasi мудири

5. Лавозими — Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи бўйича
6. Лавозими — Туман давлат статистика бўлими бошлиғи бўйича
7. Лавозими — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими инспектори

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиширилган бошоқли дон экинлари хосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш тартиби тўғрисидаги [низомга](#)

3-ИЛОВА

Ғалла ўрим-йигим отряди намунавий

ТАРКИБИ*

т/п Ф.И.Ш.

Иш жойи ва лавозими

1. *Лавозими* — Туман _____ ташкилоти бошлиғи, ғалла ўрим-бўйича ийғим отряди раҳбари
2. *Лавозими* — Туман қишлоқ хўжалиги бўлими ходими бўйича
3. *Лавозими* — Туман дехқон, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари бўйича кенгаши ходими
4. *Лавозими* — туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими мутахассиси бўйича
5. *Лавозими* — Туман ички ишлар бўлими ходими бўйича
6. *Лавозими* — Туман давлат статистика бўлими ходими бўйича

* Туманда мавжуд ғалла ўриш комбайнлари сонидан келиб чиқиб, бир-нечта ўрим-йигим отряди ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан етиширилган бошоқли дон экинлари хосилдорлиги ва ялпи ҳосилини аниқлаш тартиби тўғрисидаги [низомга](#)

4-ИЛОВА

ДАЛОЛАТНОМА

_____ тумани

2019 йил «_____» _____

Бизлар қўйида имзо чекувчилар: _____ тумани ____-сонли ғалла ўрим-йигим отряди бошлиғи _____, туман қишлоқ хўжалиги бўлими мутахассиси _____, туман дехқон, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ходими _____, «_____» дон корхонаси ходими _____, туман ер ресурслари ва давлат кадастр мутахассиси _____, туман ички ишлар бўлими ходими _____ «_____» фермер хўжалиги бошлиғи _____ шу хақдаким:

_____ тумани _____ худудидаги «_____» фермер хўжалиги томонидан 20__ йил ҳосили учун ғалла экилган жами ___ гектар майдондан ___ тонна буғдой (арпа) ҳосили ўриб-йигиф олинди ва ўртача ҳосилдорлик хар бир гектар майдонда ___ центнерни ташкил этди.

Давлат хариди учун ___ тонна буғдой (арпа) дон қабул қилиш шаҳобчасига топширилди ва фермер хўжалиги ихтиёрида ___ тонна дон қолди.

Юкоридагиларни тўғрилиги учун имзо чекувчилар:

1.	Фалла ўрим-йигим отряди раҳбари	имзо	Ф.И.Ш.
2.	Туман қишлоқ хўжалиги бўлими ходими	имзо	Ф.И.Ш.
3.	Туман дәҳқон, фермер хўжаликлари ва томуорқа ер эгалари кенгаси ходими	имзо	Ф.И.Ш.
4.	Дон корхонаси ходими	имзо	Ф.И.Ш.
5.	Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими мутахассиси	имзо	Ф.И.Ш.
6.	Туман ички ишлар бўлими ходими	имзо	Ф.И.Ш.
7.	Комбайн оператори	имзо	Ф.И.Ш.
8.	Фермер хўжалиги раҳбари	имзо	Ф.И.Ш.
9.	Туман статистика бўлими ходими	имзо	Ф.И.Ш.

Қишлоқ хұжалиғи корхоналари томонидан етиштирилған бошоқли дон экинләри ҳосилдорлиғи ва ялпі ҳосилини аниқлаш тартиби түғрискідеги **низомға**

5-ИЛОВА

туманида ўрим-йигим якунланган қишлоқ хўжалиги корхоналари

РЕЕСТРИ №

«_____» _____
20 _____.
й.

2.							
	...						
Жами:							

Туман ҳокимининг қишлоқ ва
сув хўжалиги масалалари
бўйича ўринбосари

имзоФ.И.Ш.

Туман қишлоқ хўжалиги
бўлими бошлифи

имзоФ.И.Ш.

Туман фермер, дехқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши раиси

имзоФ.И.Ш.

Туман ер ресурслари
ва давлат кадастр
бўлими бошлифи

имзоФ.И.Ш.

Туман дон қабул
қилиш шахобчаси
мудири

имзоФ.И.Ш.

Туман давлат
статистика бўлими
бошлифи

имзоФ.И.Ш.

Агросаноат мажмуи
устидан назорат
қилиш инспекцияси
туман бўлими
инспектори

имзоФ.И.Ш.

(Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.04.2019 й., 09/19/357/3027-сон)